

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Иккинчи қисм

«Яхшилик юзингизни машрик ёки магриб томонга буришингизда эмас. Лекин яхшилик ким Аллохга, охират кунига, фаришталарга, китобга, пайгамбарларга иймон келтирса ва яхши кўрган молини кариндошларга, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, кул озод қилишга берса, намозни коим қилса, закот берса; Аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилар, камбағаллик, қийинчилик пайтида ва шиддат вақтида ҳам сабр қилувчиларга хосдир. Ана ўшалар содиқ бўлганлардир. Ана ўшалар такводорлардир». (Бақара сураси, 177-оят)

«Сизларга қасос олишда ҳаёт бор. Эй, ақл эгалари! Шоядки, такводор бўлсангиз». (Бақара сураси, 179-оят)

Демак, қасос олишда кишилар учун ҳаёт бор экан. Қасос қалбдаги нафратни қондириш эмас, балки олий мақсад – ҳаёт учун экан. Қасос олиш йўлга қўйилса, инсон ҳаётини сақлаб қолишда катта иш қилинган бўлади. Чунки ҳар бир одам бошқа бировни ўлдирса, қасосига ўзининг ҳам ўлдирилишини билади ва ҳеч қачон одам ўлдиришга қўл урмайди. Бир кишининг ҳаётига қасд қилишлик, умуман, ҳаётга қасд қилиш билан баробардир. Жиноятчи бир кишининг ҳаётига қасд қилса, умуман, ҳаётга қасд қилган бўлади. Қасос ҳукмини жорий этиш ҳам таквонинг бир шартидир. Чунки Аллохнинг амрини бажариш такводандир.

«Сизларга, бирортангизга ўлим келганда, агар у бойлик қолдираётган бўлса, ота-онаси ва яқинларига тўғрилиқ билан васият қилиш такводорларнинг бурчи сифатида фарз қилинди». (Бақара сураси, 180-оят) Демак, ўлим олдидан васият қилиш ҳам фарз экан. Таквонинг бир шarti экан. Агар ўлаётган одам мол-мулк қолдирадиган бўлса, ўша молнинг қимматига канчаси берилишини васият қилмоғи лозим. Бу васият ота-она ва яқин қишиларга бўлади. Бу ояти қарима мерос ҳақидаги оятдан аввал тушган, кейинчалик мерос ояти тушиб, васият қилмаси ҳам, ўлгандан қолган мол мерос сифатида яқин қишиларга бўлиб берилиши баён қилинди. Ўша оятда қимматига канча тегиши ҳам айтилди. Ота-она меросхўрлар қаторига кирдилар. Ушбу эътибордан, энди ўлим келган одам, отамга молимдан мунча берилсин, онамга бунча берилсин, деб васият қила

олмайди. Шунингдек, мерос оятида ҳақлари баён қилинган бошқа яқинларига ҳам. Аммо мерос оятида зикр қилинганлардан бошқа кишиларга васият қилса бўлади. Бу эса қасб қилиб мол-дунё топган кишининг хайр-эхсон қилишига, баъзи яқинларига силаи раҳм кўрсатишига, ижтимоий қафолатга риоя этишига шароит тугдиради. Бу йўл билан меросхўрнинг ҳақлари ҳам ҳимоя қилинган.

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, такводор бўлсаларингиз». (Бақара сураси, 183-оят)

Бу ояти қаримани ҳам Аллоҳ таоло:

«Шоядки, такводор бўлсангиз», деб рўзадан кўзланган асосий мақсадни ҳам баён қилиб қўймоқда. Демак, рўза ҳам такво йўлларида биттаси экан. Рўза тутган шахс қалбида такво руҳи уйғониши керак. Агар қим рўза тутса-ю, қалбида такво ҳисси уйғонмаса, у одам ҳақиқий рўза тутмаган бўлади. Рўза ҳавои нафснинг ноўрин кўзгалишларини йўлга солишга, тўғрилашга, шахватни жиловлашга, қорин талабларини ҳам изга солишга хизмат қилади. Рўза нафс балосидан қутулиб, Аллоҳнинг тоатига ҳолис ажраб чиқишга ёрдам беради. Қимқи иймон ва эътиқод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани «такво» деб номланувчи, икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади.

«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ сизнинг ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул этди ва сизларни афв этди. Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг. Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг. Сўнгра рўзани кечасигача батамом қилинг. Масжидларда, эътиқофдалигингизда уларга яқинлик қилманг. Булар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг. Аллоҳ одамларга Ўз оятларини шундоқ баён этадир. Шоядки, такво қилсалар». (Бақара сураси, 187-оят)

«Аллоҳ одамларга Ўз оятларини шундоқ баён этадир. Шоядки, такво қилсалар». Эътибор берадиган бўлсак, рўза ҳақидаги оятлар тўпининг биринчисида ҳам таквога ургу берилган эди. Энди ушбу тўпдаги охириги оятда ҳам таквога ургу берилмоқда. Ҳа, рўзанинг сонсиз-саноксиз фойдалари ичида унинг рўзадорда такво ҳиссини мустаҳкамлаши биринчи ўринда туради.

«Сендан ҳилоллар ҳақида сўрарлар. Улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир, деб айт. Яхшилик уйларнинг орқасидан қиришингизда эмас, лекин яхшилик қим такводорлик қилса, шундадир. Ва уйларга эшиқларидан қиринг. Аллоҳга такво қилинг. Шоядки, нажот топсангиз». (Бақара сураси, 189-оят)

Ушбу ояти қаримада зоҳиран гўё бир-бири ила боғлиқ бўлмаган икки масала ҳақида сўз юритилган. Биринчиси ҳилоллар, янги ойлар ҳақида бўлса, иккинчиси – уйларга эшиқдан қириш ҳақида. Бу масалалар ҳақида ҳукм тушганининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор, аввал ўша сабабларни тушунмагунча, оятнинг маъносини ҳам англаб етиш қийин бўлади. Одамлар ҳилолларнинг нима учун яратилганини ўз воқелиқларидан қелиб чиқиб

сўрадилар. Куръони Карим ҳам уларнинг вокеликларига мослаб, саволга яраша жавоб тариқасидагина жавоб килди:

«Улар одамлар ва хаж учун вақт ўлчовидир», дейиш билан кифояланди.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар саҳих китобларида Баро розияллоху анхудан ривоят қиладиларки, у киши:

Ансорийларда (мадийналик мусулмонларда) ҳаждан қайтиб келганда уйнинг эшигидан кирмаслик одати бор эди. Улардан бир киши ҳаждан қайтганда уйнинг эшигидан кирибди. Бу иши унга айб қилгандек қаралишига сабаб бўлибди. Шунда: **«Яхшилик уйларнинг орқасидан киришингизда эмас...»**

оятти тушди», деганлар.

«Харом ойга харом ой. Харом қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга шунга ўхшаш душманлик қилинг. Ва Аллохга такво қилинг ҳамда билингки, албатта, Аллох такводорлар биландир». (Бақара сураси, 194-оят) Ояти

қаримадаги «Ашшахрулхарому» деб келган таъбирни «харом ой» деб таржима қилдик. «Харом ой» дегани уруш харом қилинган ой, деганидир. Аллох таоло Харами шариф худудини тинчлик-омонлик макони қилиб қўйганидек, зулкаъда, мухаррам ва ражаб ойларини тинчлик-омонлик замони қилиб қўйди. Ушбу ойларда уруш қилиб бўлмайди. Жохилият аҳли ҳам бу ҳукмга каттик риоя қилар эдилар. Улар йил давомида турли баҳоналар топиб бир-бирлари билан қирпичок бўлиб урушсалар ҳам, (уруш) харом қилинган ойлар келиб қолса, такка тўхтаб қолар эдилар. Хатто ўша ойларда отаси ёки боласини ўлдирган одам олдидан ўтса ҳам, унга тегмасдилар. Аммо мушриклар Пайгамбар алайҳиссалом бошлик мусулмонлар Мадинаи Мунавварадан зулкаъда ойида уруш харом қилинган ойда умрага келганларида, уларнинг йўлларини тўсдилар ва уруш қилмоқчи бўлдилар. Ушбу ояти қарима уларнинг тараддудларига жавоб бўлиб келди. **«Харом ойга харом ой»**, яъни ким уруш харом қилган ойнинг ҳурматини бузса, унга бу ой берган ҳурматлар бекор қилинади. Агар у бу ойна ҳурмат қилмай уруш бошласа, унга қарши уруш қилинади.

«Харом қилинган нарсаларда қасос бор», яъни харом қилинган нарсани ким қандай бузса, ўшанга яраша жазоси берилади, ундан қасос олинади.

Мусулмонларга қарши уруш очиб, харом қилинган нарсани бузиб тажовузкорлик қилганлардан ўч олинади. Аммо ўч олишда маълум чегара бўлиб, мусулмонлар ундан чиқмайдилар. Қилган душманлигига яраша жавоб қилинади, ошириб юборилмайди ёки қамайтириб қўйилмайди:

«Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга ўхшаш душманлик қилинг».

Албатта, бу ишларни амалга ошириш қийин, айниқса, душманлик қилиб аччикни чиқарган одам билан бўладиган муомалада. Шунинг учун ҳам такво зарур. Аллохдан кўрқадиганларгина бундай улкан ишни амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун ҳам оятнинг охирида:

«Ва Аллохга такво қилинг ҳамда, билингки, албатта, Аллох такводорлар биландир», демокда.

Эътибор берадиган бўлсак, нафакат Аллохга ибодат қилганда ёки одамлар билан муомала қилганда, балки, душман билан уришаётганда ҳам такво зарур экан. Аллох таоло уруш ҳақидаги ояти қаримани ҳам таквога амр қилиш билан яқунламоқда.

«Аллох учун хаж ва умрани тугал адо этинг. Агар ушланиб колсангиз, муяссар бўлганича курбонлик килинг. Курбонлик ўз жойига етмагунча, сочингизни олдирманг. Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, рўза тутиш ёки садака бериш ёхуд курбонлик сўйиш ила тўлов тўласин. Агар тинч бўлсангиз, ким умрадан хажгача хузур килган бўлса, муяссар бўлган курбонликни килсин. Ким топмаса, уч кун хажда, етти кун кайтганингизда хаммаси ўн кун тўлик рўза тутсин. Бу ахли Масжидул Харомда яшамайдиганлар учундир. Ва Аллохга такво килинг хамда билингки, албатта, Аллох икоби шиддатли Зотдир». (Бакара сураси, 196-оят)

«Хаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига хажни фарз килса, хажда шахвоний нарсалар, фиск ва жанжал йўқдир. Нима яхшилик килсангиз, Аллох уни биладир. Озука олинг, энг яхши озука такводир. Менга такво килинг, эй акл эгалари!». (Бакара сураси, 197-оят)

Имом Бухорий Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят киладилар, у киши: «Яман ахли хажга озука олмай келишар, биз таваккал килувчилармиз, дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиламчилик килишга тушишарди», деганлар. Бошка бир ривоятда яманликлар: «Аллохнинг уйини хаж киламиз-у, бизни оч кўярмиди», дейишар экан. Бу, албатта, хар бир нарсага тайёргарлик кўриб юришга буюрадиган Ислом таълимотига хилофдир. Хам хажини Аллохга миннат килишга киради. Шунинг учун хам оятда Аллох таоло хам рухий, хам моддий озука билан озукаланиб олишга амр килмоқда:

«Озука олинг, энг яхши озука такводир. Менга такво килинг, эй акл эгалари!»

«Аллохни санокли кунларда эсланг. Бас, ким икки кундан кейин шошилиб, кетса, унга гунох йўк. Ким кечикиб колса, унга гунох йўк. Такво килувчилар учун. Аллохга такво килинглр ва билинглрки, сиз, албатта, Унга тўпланурсиз». (Бакара сураси, 203-оят)

«Аллохни санокли кунларда эсланг». Икрима розияллоху анхудан ривоят килинади: «Санокли кунларда Аллохни эсланг», дегани ташрик кунларида фарз намозларидан кейин «Аллоху акбар», «Аллоху акбар», деб такбир айтинг, деганидир». Аммо хажда бўлганда бундан мурод шайтонга тош отиш бўлади. Хар бир тошни отишдан

олдин «Бисмиллахи, Аллоху акбар», дейди. Хар куни уч жойга еттитадан йигирма битта тош отади. Хайитдан кейинги икки кунда тош отиб, шошилиб Минодан кетса, гунох бўлмайди.

«Бас, ким икки кундан кейин шошилиб кетса, унга гунох йўк.»

Агар ихтиёр килиб, учинчи кунга қолиб, тош отса ҳам, гунох йўк:

«Ким кечикиб колса, унга гунох йўк.»

Кейин бошка ибодатлар катори хаж ҳам такво жойи эканини, хаждаги тўпланиш киёматдаги тўпланишни эслатиши зарурлигини зикр қилади:

«Агар унга, Аллохдан кўрқин, дейилса, уни кибру хавоси гунохга етаклар. Жаханнам унга етарлидир. У қандай ҳам ёмон ўрин-а?» (Бақара сураси, 206-оят)

У мунофиқка ваъз-насихат қилсанг, қулогига илмайди. Аллохни эслатсанг, кибр ила ўзини юкори тутаяди. Гунохи, хатоси ва камчиликлари билан гердаяди. Аллохдан уялмайди ҳам. Холбуки, яқиндагина: «Қалбимдаги нарсага Аллох гувоҳ», деб қасам ичаётган эди. Бунақа инсонга жаханнам етарли, қифоя қилади. Жаханнам қандай ҳам ёмон ўрин-а?!

«Қуфр келтирганларга бу дунё хаёти зийнатланди ва улар иймон келтирганларни масҳара қилурлар. Ва холбуки, қиёмат куни такво қилганлар улардан устундир. Аллох қимни хоҳласа, беҳисоб ризқ берур». (Бақара сураси, 212-оят)

«Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг. Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг. Ва Аллохга такво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз. Мўминларга башорат бер».
(Бақара сураси, 223-оят)

Эр-хотин орасидаги хассос ва нозик алоқа Қуръони Қарим оятларида ўзига хос услуб билан тасвирланади. Аввалги оятлардан бирида эр-хотинни бир-бирига нисбатан қийим – либос деб таъриф қилинган эди. Бу оятда эса аёллар экинзорга ўхшатиляпти. Экинзорга уруг ташланса, ҳосил униб чикканидек, аёлга эрқакдан тушган уругликдан фарзанд униб чиқишига ишоратан:

«Аёлларингиз экинзорларингиздир», дейилмоқда.

Модомики, улар экинзор эканлар, «Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг».

Яъни хоҳлаган вақтингизда, хоҳлаган ҳолатингизда жинсий яқинлик қилинг. Айни чоғда, мақсад, қўзланган гоё эсингиздан чикмасин:

«Ўзингиз учун (яхшилиқ) тақдим қилинг».

Аллохдан кўркиш, унга такво қилиш ёдингиздан кўтарилмасин.

«Ва Аллохга такво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў келувчисиз».

Демак, эҳтиёт ва ҳушёр бўлиш керак. Оятнинг охирида Аллохга рўбарў келганда

мўминларга яхшилик бўлишини таъкидлаб:

«Ва мўминларга башорат бер», дейиляпти.

«Аллохга ичган касамларингизни яхшилик қилиш, такво қилиш ва одамлар орасини ислох этишингизга тўсик қилманг. Аллох эшитувчи, билувчи Зотдир». (Бақара сураси, 224-оят)

Ушбу оятнинг тафсирида Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху ва бошка азизлар: **«Касамингни яхшилик қилишингга тўсик қилма, касамингнинг каффоратини бергин-да, яхшилик қилавер»,** деганлар.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам:

«Ким касам ичса ва касам ичган нарсасидан яхшироқ ишни курса, касамига каффорат бериб, яхши ишни қилаверсин», деганлар.

«Хотинларни талок қилганингизда, муддатлари охирига етганда, уларни яхшилик билан ушлаб қилинг ёки яхшилик билан қўйворинг. Уларни тажовуз учун, зарар етказиш юзасидан ушлаб турманг. Ким ўшандок қилса, шубҳасиз, ўзига зулм қилади. Аллохнинг оятларини ҳазил билманг. Аллохнинг сизга берган неъматини ва ваъз этиб туширган китоби ва ҳикматини эсда тутинг. Аллохга такво қилинг ва билингки, албатта, Аллох ҳар бир нарсани билувчидир». (Бақара сураси, 231-оят)

«Ким эмизишни батамом қилишни ирода қилса, оналар фарзандларни тўлик икки йил эмизурлар. Уларни яхшилаб едириб, қийинтириш отанинг зиммасидадир. Ҳеч бир жонга имконида ташқари тақлиф бўлмас. Она ҳам, ота ҳам боласи сабабидан зарар тортмасин. Меросхўрга ҳам худди шундоқ. Агар ўзаро рози бўлиб, сўтдан ажратишни ирода қилсалар, икковларига гуноҳ бўлмас. Агар фарзандларингизга эмизувчи талаб қилишни ирода қилсангиз, берадиганингизни яхшилик билан аввалдан топширсангиз, гуноҳ бўлмас. Ва Аллохга такво қилинг ҳамда билингки, Аллох қилаётганингизни, албатта, қўриб турувчидир». (Бақара сураси, 233-оят)

«Агар уларга қўл тегизмай талок қилсангиз ва махрни аниқлаб қўйган бўлсангиз, аниқланганинг ярмини берасиз, магар аёл ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса, бермайсиз. Ва афв қилишингиз таквога яқиндир. Орангиздаги фазилатни унутманг. Албатта, Аллох қилаётган амалларингизни қўриб турувчи Зотдир». (Бақара сураси, 237-оят)

Демак, духулдан олдин, махри аниқ қилишилган ҳодда талок қилинса, келинга қилишилган махрнинг ярми берилади:

«Магар аёл ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса, бермайсиз».

Муаллиф:

11.07.2013 04:46 - Янгиланди 03.07.2017 17:24

Яъни талок килинган аёл, мен ўз ҳақким бўлган махрнинг ярмини олмайман, деса ёки келиннинг ўрнига валийси (уни Куръони Карим: никоҳ тугуни кўлида бўлган киши, деб атамоқда) афв этса, куёв махрнинг ярмини бермай қўйса ҳам бўлаверади. Мусулмонлар доимо кўлидан келганда афв қилишни ўзларига лозим тутсалар, яхши бўлади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уларга:

«Ва афв қилишингиз таквога яқиндир», демоқда.

«Талок килинган аёлларга фойда бериш такводорлар бурчидир». (Бақара сураси, 241-оят)

Ушбу ояти қаримага биноан, барча талок килинган аёлларга – духулдан аввалми ёки кейинми, махри аниқланганми ёки аниқланмаганми – моддий фойда бериш керак. Бу иш талокдек қўнғилсиз ишдан кейин аёлларнинг қўнғилини кўтариш, уларга яна бир бор ҳурмат билдиришдир. Ояти қарима бу молиявий муомалани ҳам таквога боғлаётгани эътиборга сазовордир.

Ё Аллоҳ! Биз Сенга, охира қунига, фаришталарингга, китобларингга, пайгамбарларингга иймон келтирдик. Бизларни ўзимиз яхши қўрган моллардан қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўқсил йўлчиларга, тиланчиларга бевучилардан қилгин! Бизларни намозни қоида қилишда, закот беришда бардавом қилгин! Бизларни аҳд қилганда аҳдига вафо қилувчилардан, қамбағаллик, қийинчилик пайтларида сабр қилувчилардан э! Бизларни амалда содиқлардан ва такводорлардан қил!

Эй Аллоҳ! Бизларни қин ақл эгаларидан қилки, такво қилайлик! Хаттоки, ҳаётимизнинг охириги лаҳзалари – васият қилар чоғимизда ҳам такво йўлини тутишни бизга насиб э!

Ё Аллоҳ! Муборак Рамазон ойида турибмиз. Бизга фарз қилган рўзангни тутар эканмиз, ўзинг айтганингдек, такво қасб қилишга бизларни муваффақ қил!

Аллоҳим! Жуфти ҳалолларимиз билан бир-бирларимиз учун Сен ирода қилгандек «либос» бўлайлик! Бизларга солих зурриётлар бергин! Бизларни чегараларингни риоя қиладиганлардан айла, токи такво эгаларидан бўлайлик!

«Лекин яхшилик қим такводорлик қилса, шундадир», дединг, Бизларга такво берки, яхшилик ва нажотга эришайлик!

Сен такводорлар билан экансан, бизларни такводорлардан қилгин!

Аллоҳим! Сенга такво қиламиз, бизларни шиддатли иқобингдан асра!

Илоҳим! Таквони энг яхши озукамиз қил! Сенга такво қилиш билан ақл эгаларидан бўлишга бизларга тавфик бер!

Ҳузурингга тўпланар эканмиз, бизларни Сенга такво қилганлар сафида тирилтир!

Эй Аллоҳ! Бизларни «Аллоҳдан қўрк» дейилса, қибру ҳавоси гуноҳга етаклайдиган гумроҳлардан қилиб қўйма!

Илоҳим! Бизларни қиёмат қуни дунёпарастлардан юқори қўйиладиган такводорлардан қил!

«Аллоҳга такво қилинг ҳамда билингки, албатта, Унга рўбарў қилувчисиз. Мўминларга башорат бер» демишсан, ваъданг ҳақ, ваъданг ҳақ!

Аллоҳим! Қасамхўрлик қилиб таквойимизга путур етиказиб қўйишимиздан асра!

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Иккинчи қисм)

Муаллиф:

11.07.2013 04:46 - Янгиланди 03.07.2017 17:24

Парвардигоро! Тақдиринг такозоси ила жуфти халоллариздан ажрашишга тўғри келиб колса, уларга ёмонлик, тажовуз килиб кўйишдан бизни асра! Бизларни ўзига ўзи зулм килувчилардан оятларингни хазил биладиганлардан килма. Берган неъматларингни, ваъз ўларок туширган Китобинг ва хикматингни эсда тутувчилардан кил! Эй хар бир нарсани билиб турувчи Аллох, бизларга такво насиб эт!

Эй амалларимизни кўриб турувчи Аллох, бизларга такво насиб эт!

Кечиримлилик таквога якин экан, бизларни кечиримли кил!

«Талок килинган аёлларга фойда бериш такводорлар бурчидир», дебсан, такводорлик бурчимизни адо этишга бизларни Ўзинг маваффақ кил!